

## XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА БУХОРО АМИРЛИГИ

### Режа:

1. Бухоро амирлиги тарихига оид манбалар.
2. XVIII аср иккинчи ярми-XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигидаги сиёсий вазият.
3. XVIII аср иккинчи ярми-XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигидаги иқтисодий ҳаёт.

Бухоро хонлигига XVIII аср ўрталарида юз берган сиёсий воқеаларда мангит уруги вакилларини Бухоро хонлиги таҳтига олиб чиқди. Давлат ҳукмдорлари «амир» унвони билан юритиладиган бўлди ва давлат ҳам Бухоро амирлиги деган ном олди.

Бухоро амирлиги тарихига оид ёзма манбалар ичida «Қушбеги архиви» ҳужжатлари, «Тарихи салотини мангития», «Тұхфаи шоҳий», «Достони амирона мангит», «Тарихи амири Ҳайдар», «Гулшан ал-мулук», «Рисолай муҳтасари аз тарихи салотини хонадони мангития» каби маҳаллий тилларда ёзилган асарлар билан бир қаторда рус тарихчиларидан Е.К.Мейндорф томонидан 1820 йилда ёзилган «Оренбургдан Бухорога саёҳат», 1833 йилда татар муллоси Мирзо Жаъфар номи билан 4 ой Бухорода яшаган П.И.Демезоннинг «Бухоро хонлиги ҳақида қайдлар», 1841 йилда Бутенов элчилиги таркибида Бухорога ташриф буюрган И.Ханиковнинг «Бухоро хонлиги таърифи» каби асарларини келтириб ўтиш мумкин.

Шунингдек, инглиз жосуслик хизмати вакиллари Мир Изатулло ва А.Бернс томонидан ҳамда А. Вамбери томонидан ёзилган асарлар ҳам Бухоро амирлигининг XIX аср биринчи ярми тарихига оид муҳим манбалар қаторидан ўрин олган.

2-масала: Аштархонийлар инқизози ва Абулфайзхоннинг ўлими билан бархам топа бошлаган Бухоро хонлиги таҳти бир неча йиллар давомида (1747-1756) аштархоний шахзодалар томонидан бошқарилган бўлсада, ҳокимият амалда мангитлар уругидан бўлган Муҳаммад Раҳим қўлига ўтиб қолган эди. Муҳаммад Раҳим ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга киришди. Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг барқарорлашувидан манфаатдор бўлган йирик ер эгалари, савдогарлар, уламолар ва фузалолар унинг бу сиёсатини қўллаб-куватладилар.

Ишни аввало сарой амалдорларини ўзгартиришдан марказий бошқарувни тартибга солишдан бошлаган Муҳаммад Раҳим аста-секин вилоятлар ҳокимлигига ҳам ўзига содик одамларни қўйишига киришди. Бунинг учун у сепаратистик кайфият жуда кучли бўлган Шахрисабзга 1750-1752 йилларда 4 марта юриш қилиб, бу ердаги муҳим мудофаа қўргонлари (Китоб, Санғфуруш, /овмиш, Қушчи) ни эгаллади ва воҳада ўз ҳокимиятини тўлалигича ўрнатишга муваффақ бўлди. /узор ҳам Бухоро ҳокимиятини тан олди.

Муҳаммад Раҳим Миёнқол, Нурота, Ургут, Кабодиён, Бойсун каби вилоятларга ҳам юришлар уюшириб, марказий ҳокимиятни тан олишга мажбур қилди. 1753-1756 йилларда Зарафшон воҳасининг юқори оқими, Жиззах, Зомин ҳам Бухоро амирлиги таркибига қўшиб олинди. Бухоронинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш максадида 1752-1753 йилларда шаҳарнинг эски девори ёнида янги мудофаа девори (2 м) қурилди.

Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган гайратли Муҳаммад Раҳимни Бухоронинг қонуний ҳукмдори сифатида тан олиб Қўқон, Тошкент, Марв, Балх ва Қундуз вакиллари ва ҳукмдорлари расмий элчиликлар юбордилар.

Муҳаммад Раҳим вафотидан сўнг таҳтга уннг тогаси, Миёнқол хокии Дониёлбий ўтириди. Унинг ҳукмронлиги даврида (1759-1784) марказий ҳокимият заифлашди ва уруглар ўртасидаги низолар марказий ҳокимиятта қарши чиқишилар кўпайди. Бундай ҳол бутун мамлакат бўйлаб ёйилди. Юз, кенагас, бургут, баҳрин, сарой каби йирик ўзбек уруглари бирлашиб, Бухорога қарши юриш қилдилар. Бироқ исёнчилар ҳалқнинг қўллаб кувватлашлари туфайли бостирилди. Бу воқеа Дониёлбий ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ юз берган эди.

1771 йилда Шахрисабз ва /узор беклиларида давлатга қарши кучли қўзголон қўтарилиди. Бу қўзголон жуда катта қийинчилик билан бостирилди. Қўзголон раҳбарлари қатл қилинди.

Мамлакатда галаёнларнинг тўхтовсиз давом этиб турганлиги марказий ҳокимиятнинг обрўси ва қудратини заифлаштириди. Бу ҳол иқтисодий аҳволнинг ҳам ёмонлашувига олиб келди. 1784 йилда қўтарилиган навбатдаги қўзголон натижасида мамлакатда хукмдор ўзгарди ва таҳтга Дониёлбийнинг ўғли Шоҳмурод ўтказилди.

Шоҳмурод Бухоро амирлиги тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган ҳукмдорлар сирасига киради. У мангитлар сулоласи ҳукмдорлари орасида энг биринчи бўлиб «амир» унвони билан давлатни бошқарди. Шунга кўра бу давлат ҳам Бухоро амирлиги деган ном олди. Тарихда «амир масъум» (Бегуноҳ амир) номи билан машҳур бўлган Шоҳмурод ҳукмронлиги йиллари (1785-1800) Бухоро амирлигига марказий ҳокимият бошқарувининг нисбатан мустаҳкамланиши даври ҳисобланади. Шоҳмурод ҳам бошқа ҳукмдорлар каби марказий ҳокимиятга бўйсунишдан бош тортаётган айrim бекликларга қарши ҳарбий юришлар уюштириди ва давлатнинг ҳудудий яхлитилигини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Шоҳмурод фақатгина сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаб қолмасдан, бир қатор маъмурй иқтисодий-маданий тадбирларни ҳам амалга ошириди. Ўз ҳаётини камтарона дарвешларга хос тарзда ўтказган бу ҳукмдор Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидаги, Амударё бўйларидаги сугориш тизимларини қайта тиклаб, янги иншоатлар, кўприклар, йўллар ва бошқаларни барпо эттириди.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган молия, суд, маъмурй ва ҳарбий соҳалардаги ислоҳотлар натижасида мамлакатдаги сиёсий-иктисодий ҳаёт бирмунча жонланди.

Амир Шоҳмурод ўғли Амир Ҳайдарни мангитларнинг ота мерос мулки ҳисобланган ва амирликда катта нуфузга ва мавқега эга бўлган Қарши шахрига ҳоким этиб тайинланди. Шундан бошлаб мангитлар сулоласи таҳт ворисларининг Қаршида ҳокимлик қилишлари одат тусига кирди. Шоҳмуроддан сўнг таҳтга Амир Ҳайдар отасининг сиёсатини давом эттира олмади ва унинг ҳукмронлиги йилларида (1800-1826) мамлакатда сиёсий кескин вазият ҳукм сурди. Бухорога бўйсунишдан бош тортган Шахрисабз, Ургут, Миёнқол бекликларига қўшин тортишга мажбур бўлди. Ҳарбий йўл билан қўлга кирита олмаган вилоятлар бошқарувини келишувчилик йўли билан ўз беклари қўлда қолдиришга мажбур бўлди. Ҳусусан, бўйсунмаган Шахрисабз маҳаллий ҳоким Дониёр валломага мулк сифатида тақдим этилди ва Шахрисабз бунинг натижасида 1858 йилгача мустақил равишда ҳукм сурди. Ўратепа беклиги бўйсундирилиб, амирлик ҳудудлари бирмунча кенгайтирилди. Бу даврда қўшни хонликлар билан муносабатлар ҳам кескинлашди. Хива хонлиги томонидан уюштирилган бир қанча босқинчилик юришлари асосан оммаси кўмагида қайтирилди.

Қўкон хонлиги билан муносабатлар эса анча жиддий ва кескин тус олди. Азалдан Бухорога тобе ҳисобланган Тошкент, Туркистон, Ўратепа, Хўжан ва бошқа чегара бўйлаб жойлашган шаҳарларга қўконликларнинг тажовузлари анча кескин тарзда кучайиб борди. Амир Ҳайдар 1807-1810 йилларда Қўкон хони Олимхон билан Тошкент, Ўратепа, Жиззах, Зомин шаҳарлари учун қўлдан-қўлга ўтиб турди.

Амир Ҳайдар вафотидан сўнг таҳтни унинг учинчи ўғли Насрулло эгаллади. Ўз акалари Хусайн ва Умарни ўлдириб таҳтни эгаллаган Насрулло мангитлар сулоласининг ва Бухоронинг энг қонхўр ва золим вакили сифатида тарихда қолган. Шунга қармай Амир Насрулло марказий давлат ҳокимиятни мустаҳкамлаган, ҳарбий соҳада анча самарали ислоҳотлар ўтказиб, ўз қўшинининг жанговор ҳолатини оширган, мамлакатнинг ҳудудий яхлитилигини бирмунча тиклаган ҳукмдор ҳам эди.

Амир Насрулло ҳукмронлиги (1826-1860) даври ички ва ташки душманлар билан тўхтовсиз курашлар остида ўтди. Ўз душманларида қўркувни кучайтириш мақсадида қўплаб кишиларни қатл эттирган учун Насрулло ҳалқ орасида «Кассоб амир» номи билан аталган эди. Марказий ҳокимиятни кучайтириш мақсадида олиб борилган тўхтовсиз курашлар Насруллодан норозиликни кучайтириб юборган эди. Насрулло

бўйсунмаган бекларга қарши курашар экан, шавқатсиз бўлишга интилди. Шахрисабз беклигига қарши олиб борилган кураш узоқ вақт давом этди ва 1832 йилдан 1858 йилгача давом этди.

Амирликнинг шимолидаги чегара шаҳарлари (Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Жиззах, Зомин) учун Кўқонликлар билан бўлган жанглар узоқ давом этди ва жанглар Бухоро фойдасига ҳал бўла бошлади. Амир Насрулло 1842 йилда Кўқон хонлиги пойтахтини ҳам эгаллади ва Кўқон хони Муҳаммад Алихонни оила аъзолари билан бирга қатл эттириди. Кўқоннинг эгалланишига баъзи Кўқонлик амалдорлари ҳам ёрдам берган эдилар.

Хива хонлиги билан ҳам низоли вазиятлар сақланиб қолди.

Амир Ҳайдар ҳамда Насрулло ҳукмронлиги даврида Россия ва Англияning манфаатлари Ўрта Осиёда тўқнашди. Бу даврда Хиндистонни эгаллаган ва Афғонистонда катта таъсирга эга бўлган Англия, Бухоро амирлигига ўз вакилларини юбора бошлайди.

У IX асрнинг 30-40 йилларида амирликда бир қанча инглиз разведкаси ходимлари муркрофт (1824), А.Бернс (1831), Майор Вольф (1843), ҳамда амир Насрулла томонидан қатл этилган (1838) полковник Стоддарт ва майор Коннолилар бўлишиб, бу ерда Россияга қарши Бухоро-Хива иттифоқини такид қилишга уриниб кўрдилар, бироқ бу уриниш натижасиз якунланди. Амир Насрулло даврида чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликлари чегараларига яқинлашиши давом этди. Россия ҳукумати ҳам Бухорога ўз таъсирини ўtkазишга уриниб кўрди. XIX асрнинг 60 йилларига қадар Россия империясининг маҳсус элчилари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб 4 маротаба Бухорога юборилдилар. Бухорога юборилган бу рус маҳфий хизмати вакилларига маҳсус топшириклар берилган бўлиб, улар мамлакатнинг сиёсий-иктисодий аҳволи, шаҳарлар ва мудофаа қўргонлари, қўшин тузилиши, қуро-яроглар ва бошқа шу стратегик ахмиятга эга ҳолатларни ўрганишлари лозим эди. Бу маълумотлар кейинчалик Россия империясининг хонликларини истило қилишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

З-масала: Дехқончилик ва чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ мамлакат иқтисодининг асосий тармоқлари эди. Аввалгидек давлатга амир ва унинг яқинларига қарашли давлат ерлари, хусусий мулкдорларга тегишли ер-мулклар (мулки ҳолис), диний маҳкамалар, мадраса ва масжидлар, қабристонлар ҳаражатлари учун берилган вакф ерлари мавжуд эди

Дехқончиликда барча соҳалар анъанавий равиша ўз тараққиётида давом этди. Бу даврда айниқса узумчилик, шоликорлик, пахта ва тамаки етиштириш анча тараққий этди.

Чорвачилик амирлик худудидаги бепаён дашт ва чўллар тог ва тог олди худудларида мавжуд эди. Чўл худудларида хусусан, Бухоро ва Қарши атрофларидаги даштларда қоракул тери етиштириш кенгайиб борди. Ташқи бозордаги қоракул терига талабнинг кучлилиги қоракул кўйлар етиштиришни кенгайтиришга олиб келган эди. Шунингдек, чорвачиликда йилқичилик, бунда ҳам асосан Бухоро қорабайир отларини етиштириш тараққий этган эди. Бундан ташқари йирик қорамоллар етиштириш ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам анча тараққий этди.

Хунармандчилик асосий йирик шаҳарлар билан бир қатор йирик қўргонлар ва қишлоқларда ҳам кенг тарқалиб борди. Хунармандчиликнинг барча соҳаларида ўз касб уюшмалари мавжуд бўлиб, улар оқсоқоллар томонидан бошқарилган ва барча ишлаб чиқариш жараёни назорат қилинган. Четдан шогирд ёллаш кам учрайдиган холда бўлиб, хунармандчилик сирлари асосан отадан ўтилган мерос сифатида қолдирилган.Хунармандчиликдаги еткачи тармоқ тўқимачилик бўлган. Бунга сабаб бир томондан ички ва ташқи бозорда бу турдаги маҳсулотларга талаб кучли бўлса, иккинчи томондан тўқимачилик учун зарур бўлган хом ашёларнинг маҳаллий эканлиги ва етарли бўлганлиги эди.

Хунармандчиликнинг ривожланган соҳаларидан яна бири кулолчилик эди. Унинг асосий марказлари /иҷдуvon, Қарши, Шашрисабз, Каттақўргон бекликларида эди.

Россия истилоси ва мустамлакаси даврида чинни маҳсулотларининг кўпайиши

кулолчиларнинг орқага кетишига сабаб бўлган бўлсада, амирликда бу соҳа ўз тараққиёти йўлида давом этди ва юқоридаги ҳолат асосан Туркистон генерал-губернаторлигига қарши жойларда юз берган эди. Шунингдек, амирликда металларга ишлов бериш ва ундан турли хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш анча кенг тарқалган. Металларга ишлов бериш ишларини аосан 4 турга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Темирчилик . Темирчиликлар асосан қишлоқ хўжалик қуроллари ва кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмлар ясаш билан бирга ҳарбий қурол-ярголар ҳам ясаганлар.

2. Мисгарлик. Мисгарлик асосан йирик шаҳарларда ривожланган. Мисгарлар турли идишлар, чилим, кундалик эхтиёж буюмлари ясашган. Мис асосан Россиядан келтирилган. Мисга ишлов бериш санъат даражасига кўтарилилган бўлиб, маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда алоҳида талаб даражасида бўлган.

3. Чўян қиши (дегрезлик). Бу ҳам катта аҳамиятга эга хунар турларидан саналган. Улар асосан чўян қозон, манкалдон (чўгдон) ва бошқа шу каби буюмлар ясашган.

4. Рихтагарлик. Бронздан буюмлар ясаш ҳам амирликнинг кўпгина шаҳарларида ривожланган эди. Бу усталар турли зеб-зийнат буюмлари, тули metall маҳсулотларнинг қисмлари ясашган.

Юқорида келтирилган ва санаб ўтилган хунармандчилик турлари билан бир қаторда амирликда заргарлик, кунчилик, дурадгорлик, новвойлик ва бошқа бир қатор соҳалар ҳам мавжуд эдики, булар ҳам амирликнинг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этарди.

XIX аср ўрталарига келиб Бухоро амирлиги сиёсий вазиятлар туфайли иккинчи даражали давлатлар қаторига тушиб қолган бўлсада, йирик савдо мамлакати сифатида катта аҳамиятга эга давлат ҳисобланарди.

Ички савдо билан бир қаторда ташқи савдо алоқалари ҳам тараққий этиб борди ва бунда Россия асосий ташқи савдодаги шерик бўлиб қолди.

Савдо жараёнида уч турдаги пул воситасидан – тилло, танган (кумуш) ва пул (мис) дан фойдаланилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, амирликнинг ички ва ташқи сиёсий аҳволи бирмунча мураккаблашган бўлсада, иқтисодий ҳаёт ўзига хос тарзда ривожланиш йўлида давом этди ва бугунги кунгача айrim соҳалардаги анъаналарнинг этиб келишида муҳим ўрин тутди.